VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Рўйхатдан ўтган юридик шахслар

2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига 17182 та корхоналар ва ташкилотлар рўйхатдан ўтган бўлиб, иқтисодий фаолият турлари бўйича 21,9 % савдо, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳамда саноатта 12,0 % дан, 11,3 % қурилиш, 12,0 %, 5,7 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,6 % ташиш ва сақлаш, 1,9 % ахборот ва алоқада, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда 1,8 % ҳамда 28,8 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

2019 йил январь-мартда жами 1331 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 1280 та). Уларнинг асосий қисми Нукус шаҳрида (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 29,9 фоизи), Тўрткўл (10,7 фоиз), Амударё (7,6 фоиз), Хўжайли (6,8 фоиз), Қўнғирот (6,7 фоиз) ва Беруний (5,0 фоиз) туманларига тўғри келди.

2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

	Рўйхатга олинганлар		*Фаолият кўрсатаётганлар*	
	бирлик	*якунга нисбатан фоизда*	*бирлик*	*якунга нисбатан фоизда*
Жами	**17182**	**100,0**	**16736**	**100,0**
шу жумладан:				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2066	12,0	1976	11,8
Саноат	2064	12,0	2012	12,0
Қурилиш	1950	11,3	1918	11,4
Савдо	3756	21,9	3661	21,9
ташиш ва сақлаш	792	4,6	768	4,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	987	5,7	964	5,8
ахборот ва алоқа	320	1,9	300	1,8
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	309	1,8	304	1,8
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	4938	28,8	4833	28,9

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 17182 тани ташкил қилиб, шундан 16736 таси ёки 97,4 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

2019 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган тижорат ташкилотларининг сони 13570 тани ташкил этди. Рўйхатга олинган тижорат корхоналарнинг умумий сонидан 9298 таси масъулияти чекланган жамиятлар, 3151 таси хусусий корхоналар, 791 таси оилавий корхоналар ва 29 таси акциядорлик жамиятлари ҳиссасига ҳамда 301 таси бошка тижорот ташкилотлари хиссаларига тўғри келди.

Рўйхатга олинган тижорат корхоналари-юридик шахслар ташкилий ҳуқуқий шакллари

(1 апрель ҳолатига, умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)



Рўйхатга олинган, янгидан ташкил этилган ва тугатилган кичик корхона ва микрофирмалар

(1 апрель ҳолатига, фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)



Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотлари бўйича, 2019 йил 1 апрель ҳолатига 13491 та кичик корхона ва микрофирмалар – юридик шахслар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) рўйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,4 фоизга ошган. Шунингдек, 2019 йил январь-март ойларида жами 1280 та субъект янгидан ташкил топган ҳамда 154 та субъект тугатилган ушбу кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан янгидан ташкил топганлар 2,2 бараварга ошган ҳамда тугатилган ташкилотлар 84,6 фоизни ташкил этди.

Рўйхатга олинган, янгидан ташкил этилган ва тугатилган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар сони,

(1 апрель ҳолатига, бирлик)



2019 йил 1 апрель ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича корхоналар ва ташкилотлар сони,
(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз, бирлик)

	Рўйхатдан ўтган	*Фаолият кўрсатаётган*	*Янги ташкил этилган*
Жами	**17182**	**16736**	**1331**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2066	1976	114
Саноат	2064	2012	244
Қурилиш	1950	1918	226
Савдо	3756	3661	511
Ташиш ва сақлаш	792	768	30
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	987	964	69
Ахборот ва алоқа	320	300	11
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	309	304	14
Бошқа турлари	4938	4833	112

2019 йил 1 апрель ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар сони,
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)



Ҳудудлар бўйича рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони бўйича энг кўпи Нукус шаҳри (5421 та), Тўрткўл (1746 та), Беруний (1390 та), Амударё (1278 та) ва Элликқалъа (1067 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Аксинча Мўйноқ (336 та), Тахтакўпир (317 та) ҳамда Шуманай (424 та) туманларида корхоналар сони камлигини кузатиш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар

Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг сони 16736 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига солиштирилганда 2307 та (16,0 %) га ўсган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 21,9 % савдо, 12,0 % саноат, 11,4 % қурилиш, 11,8 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 5,8 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,6 % ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 1,8 % дан ва 28,9 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган юридик шахслар

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, фоиз ҳисобида)



Ҳудудлар кесимида қаралганда, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони энг кўпи Нукус шаҳри (5308 та), Тўрткўл (1640 та), Беруний (1356 та), Амударё (1237 та) ва Элликқалъа (1061 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Аксинча Тахтакўпир (305 та), Мўйноқ (330 та) ҳамда Шуманай (416 та) туманларида корхоналар сони камлигини кузатиш мумкин.

Ҳудудлар кесимида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони, бирликда

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)



Янги ташкил этилган юридик шахслар

2019 йил январь-март ойларида 1331 та корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, бу кўрсаткич 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 59,0 % га кўпдир. Энг кўп янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар Нукус шаҳри (398 та), Тўрткўл (143 та), Амударё (101 та) ва Хўжайли (90 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Аксинча Тахтакўпир (19 та), Қораўзак (32 та) ҳамда Нукус (39 та) туманларида корхона ва ташкилотларни ташкил этиш кўрсаткичи паст даражани акс эттирган.

Шаҳар ва туманлар бўйича янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг сони,
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)



Иқтисодий фаолият турлари кесимида, энг кўпи савдо (511 та), саноат (244 та), қурилиш (226 та) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (114 та) соҳаларида ташкил этилган. Энг ками эса ахборот ва алоқа (11 та), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (14 та) ҳамда ташиш ва сақлаш (30 та) фаолият турлари ҳиссасига тўғри келган.

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича йиллар кесимидаги сони,
(1 апрель ҳолатига, фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)

	2017 йил		*2018 йил*		*2019 йил*	
	корхона сони	*улуши, %*	*корхона сони*	*улуши, %*	*корхона сони*	*улуши, %*
Республика бўйича жами	**677**	**100,0**	**837**	**100,0**	**1331**	**100,0**
Савдо	114	16,8	104	12,4	511	38,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	166	24,5	152	18,2	114	8,6
Қурилиш	81	12,0	99	11,8	226	17,0
Саноат	167	24,7	107	12,8	244	18,3
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	54	8,0	40	4,8	69	5,2
Ташиш ва сақлаш	22	3,2	20	2,4	30	2,2
Ахборот ва алоқа	13	1,9	8	1,0	11	0,8
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш	8	1,2	17	2,0	14	1,1
Бошқа турлари	52	7,7	290	34,6	112	8,4

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари кесимидаги сони,
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)

2019 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 128 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 41 тага ёки 47,1 % га ўсган. Ушбу корханаларнинг асосий қисми Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келади.

Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ҳамкор давлатлар кесимида сони, *бирликда*

Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 78 таси қўшма корхоналар, 50 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўгри келади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналар сони, *бирликда*



Ҳудудлар кесимида, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Нукус шаҳри (22 та ёки жамидаги улуши 17,2 %), Мўйноқ тумани (18 та ёки 14,1 %) ва Тахиатош тумани (11 та ёки 8,6 %) ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокидаги корхоналар Элликқалъа тумани (4 та ёки 3,1 %), Хўжаили ва Тўрткўл 3 тадан ёки 2,3 % туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвеститсиялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

Агар фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўп саноатда 61 та (47,7 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 34 та (26,6%) ҳамда савдода 20 та (15,6 %) ташкил қилган. Энг камлари эса қурилишда ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 3 тадан (2,3 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 2 та (1,6 %), ташиш ва сақлашда 1 тани (0,8 %), ташкил қилган.

Кўриниб турибдики фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ташиш ва сақлаш фаолият турларига тўгри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, *бирликда*

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.

2019 йилнинг январь-март ойларида хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил этилган корхоналарнинг сони 11тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 тага кўпайган.

Бунда, Қозоғистон Республикаси – 3 та, Корея Республикаси – 2 та, Туркманистон Республикаси – 2 та, Британиянинг Виргиния Ораллари – 2 та ва Россия Федерацияси ҳамда Афғонистон Республикалари 1 тадан хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янгидан рўйхатдан ўтган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳамкор давлатлар кесимида улуши,
жамига нисбатан фоиз ҳисобида



Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳамда саноатда (3 тадан), савдода (5 та) ҳиссасига тўғри келади.

1 апрель ҳолатига янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, ўсиш динамикаси

	2018 йил		*2019 йил*	
	жами	*умумий сонига нисбатан, %*	*жами*	*умумий сонига нисбатан, %*
Республика бўйича	**8**	**100,0**	**11**	**100,0**
Қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалиги	6	75,0	3	27,3
Саноат	1	12,5	3	27,3
Савдо	1	12,5	5	45,4

Кичик корхона ва микрофирмалар сони.

2019 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 13106 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2018 йил 1 апрель ҳолатига нисбатан 19,3 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яни 4441 таси (33,9 %) Нукус шаҳри, 1389 таси (10,6 %) Тўрткўл, 1076 таси (8,2 %) ҳамда 936 таси (7,1 %) Амударё туманлари ҳиссаларига тўгри келади.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 13106 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 3645 таси (27,8 %) – савдо, 1985 таси (15,1 %) - саноат, 1924 таси (14,7 %) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1909 таси (14,6 %) - қурилиш, 960 таси (7,3 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси, 763 таси (5,8 %) - ташиш ва сақлаш, 262 таси (2,0%) - ахборот ва алоқа соҳаси, 226 таси (1,7 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, шунингдек 1432 таси (11,0 %) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми савдо,саноат ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ҳамда ахборот ва алоқа соҳаси фаолият турларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши,
жамига нисбатан фоиз ҳисобида



2019 йил январь-март ойларида 1280 та кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 бараварга кўпроқдир. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Нукус шаҳри (377 та), Тўрткўл (137 та), Амударё (101 та), Хўжайли(90 та) ва Қўнғирот туманларида (86 та) ҳиссасига тўғри келади. Энг кам Қораўзак (32 та) ҳамда Тахтакўпир (19 та) туманларида ташкил этилган.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида эса энг кўпи савдода (510 та), саноатда (244 та), қурилишда (225 та) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (113 та) ташкил этилган. Энг кам эса ташиш ва сақлашда (30 та), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (14 та), ахборот ва алоқада (11 та) ҳамда ташкил этилган.

Оилавий корхоналар сони

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига 791 тани ташкил этиб, улардан 777 таси ёки 98,2 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда давлат рўйҳатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сони ўртача 45,0 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда уларнинг 26,8 % ёки 208 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 27,5 % ёки 214 таси саноат, 25,0 % ёки 194 таси савдо, 7,3 % ёки 57 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1,9 % ёки 15 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 1,7 % ёки 13 таси ахборот ва алоқа, 1,0 % ёки 8 таси қурилиш, 0,4 % ёки 3 таси ташиш ва сақлаш ҳамда 8,4 % ёки 65 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши,

жамига нисбатан фоиз ҳисобида



Иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўпи яшаш ва овқатланиш ҳамда саноатта, энг ками эса қурилиш, ташиш ва сақлаш каби фаолият турлари ҳиссасига тўгри келади.

Тугатилган корхона ва ташкилотлар

2019 йилнинг январь-март ойларида жами 182 та корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини тугатган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 тага тугатиш камайган.

Тугатилган 182 та корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 40 таси (22,0 %) савдо, 29 таси (15,9 %) қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 16 таси (8,8 %) қурилиш, 23 таси (12,6 %) саноат, 12 таси (6,6 %) ташиш ва сақлашда, 14 таси (7,7 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 2 таси (1,1 %) ахборот ва алоқада, 3 таси (1,6 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда 43 таси (23,7 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, тугатилган корхоналарнинг асосий қисми савдо ҳамда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар фаолият турларига тўғри келган.

1 апрель ҳолатига фаолияти тугатилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)

	2018 йил		*2019 йил*		*Фарқи, (+;-)*
	сони	*жамига нисбатан, %*	*сони*	*жамига нисбатан, %*	
Республика бўйича	**195**	**100,0**	**182**	**100,0**	**-13**
Қишлоқ, ўпмон ва балиқ хўжалиги	37	19,0	29	15,9	-8
Саноат	18	9,2	23	12,6	5
Қурилиш	11	5,6	16	8,8	5
Савдо	60	30,8	40	22,0	-20
Ташиш ва сақлаш	19	9,7	12	6,6	-7
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	18	9,2	14	7,7	-4
Ахборот ва алоқа	10	5,1	2	1,1	-8
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	-	-	3	1,6	3
Бошқа фаолият турлари	22	11,4	43	23,7	21

2019 йил январь-март ойларида 154 та кичик тадбиркорлик субъектлари тугатилган. Тугатилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми 39 таси (25,3%) савдо, 27 таси (17,5 %) қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 16 таси (10,4 %) қурилишда, 23 таси (14,9 %) саноат, 12 таси (7,8 %) ташиш ва сақлашда, 14 таси (9,1 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 2 таси (1,3 %) ахборот ва алоқада, 1 таси (0,6 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда 20 таси (13,1 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келган.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида ҳудудларда тугатилган кичик корхона ва микрофирмалар сони йилдан йилга камайиб бормоқда.

Ушбу йўналишда асосан Қораўзак туманида- 25 тага, Кегейли , Тўрткўл ва Чимбой туманларида – 10 тадан ҳамда Амударё, Элликқалъа туманларида –9 тадан кичик корхона ва микрофирмалар ўтган йилга нисбатан кам тугатилганлигини статистик рақамларда кўришимиз мумкин.

Корхона ва ташкилотлар сони

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз,бирлик)

	2019 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган	*2019 йил январь-мартида*	
		ташкил топди	*тугатилди*
Қорақалпоғистон Республикаси	**17182**	**1331**	**182**
Нукус ш.	5421	398	82
туманлар:			
Амударё	1278	101	1
Беруний	1390	67	7
Қонликўл	447	40	5
Қораўзак	499	32	2
Кегейли	535	51	2
Қўнғирот	980	89	13
Мўйноқ	336	51	2
Нукус	716	39	10
Тахиатош	516	49	1
Тахтакўпир	317	19	6
Тўрткўл	1746	143	12
Хўжайли	859	90	20
Чимбой	651	54	3
Шуманай	424	45	10
Элликқалъа	1067	63	6

Рўйхатга олинган юридик шахсларни
ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимлаш
(2019 йил 1 апрель ҳолатига, фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	Жами, бирлик	*Умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобида*		*Тижорат корхоналари сонида хусусий корхоналар улуши, %*
		нотижорат	*тижорот*	
Қорақалпоғистон Республикаси	**17182**	**21,0**	**79,0**	**23,2**
Нукус ш.	5421	16,1	83,9	15,2
туманлар:				
Амударё	1278	23,3	76,7	15,4
Беруний	1390	20,1	79,9	37,4
Қонликўл	447	29,3	70,7	38,9
Қораўзак	499	25,7	74,3	14,8
Кегейли	535	31,4	68,6	19,6
Қўнғирот	980	24,4	75,6	38,1
Мўйноқ	336	27,7	72,3	17,7
Нукус	716	20,1	79,9	14,0
Тахиатош	516	24,4	75,6	35,0
Тахтакўпир	317	37,5	62,5	23,7
Тўрткўл	1746	14,4	85,6	20,2
Хўжайли	859	22,1	77,9	26,6
Чимбой	651	30,4	69,6	23,2
Шуманай	424	29,7	70,3	48,3
Элликқалъа	1067	23,5	76,5	39,6

Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)

	2019 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган	*2019 йил январь-мартида*	
		ташкил топди	*тугатилди*
Қорақалпоғистон Республикаси	**13491**	**1280**	**154**
Нукус ш.	4519	377	73
туманлар:			
Амударё	974	101	-
Беруний	1108	61	6
Қонликўл	315	40	4
Қораўзак	331	32	1
Кегейли	364	51	1
Қўнғирот	735	86	11
Мўйноқ	242	51	2
Нукус	572	38	9
Тахиатош	384	47	-
Тахтакўпир	196	19	3
Тўрткўл	1488	137	11
Хўжайли	664	90	19
Чимбой	449	52	2
Шуманай	298	45	9
Элликқалъа	812	53	3

Чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони
(2019 йил апрель ҳолатига, бирлик)

	Жами рўйхатга олинганлари	*шу жумладан: фаолият кўрсатаётганлари*	*Фаолият кўрсатаётганлар жамига нисбатан, фоиз ҳисобида*
Қорақалпоғистон Республикаси	**130**	**128**	**100,0**
Нукус ш.	22	22	100,0
туманлар:			
Амударё	6	6	100,0
Беруний	8	8	100,0
Қонликўл	5	5	100,0
Қораўзак	8	8	100,0
Кегейли	9	8	88,9
Қўнғирот	8	8	100,0
Мўйноқ	18	18	100,0
Нукус	9	9	100,0
Тахиатош	11	11	100,0
Тахтакўпир	6	6	100,0
Тўрткўл	3	3	100,0
Хўжайли	3	3	100,0
Чимбой	5	4	80,0
Шуманай	5	5	100,0
Элликқалъа	4	4	100,0

2019 йил 1 апрель ҳолатига республика бўйича 130 та чет эл инвестициялари киритилган корхоналар рўйхатга олинган бўлиб, шуннан 128 таси яъни 98,5 фоизи фаолият юритяпти.

Чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони*(бирлик)*

	Рўйхатга олинганлар	*2019 йил январь-мартида*	
		Ташкил этилган[1)]	*Тугатилган*
Қорақалпоғистон Республикаси	**130**	**11**	**1**
Нукус ш.	22	1	-
туманлар:			-
Амударё	6	1	-
Беруний	8	2	-
Қонликўл	5	3	-
Қораўзак	8	1	-
Кегейли	9	-	-
Қўнғирот	8	-	-
Мўйноқ	18	1	-
Нукус	9	-	-
Тахиатош	11	1	-
Тахтакўпир	6	-	-
Тўрткўл	3	2	-
Хўжайли	3	-	-
Чимбой	5	-	1
Шуманай	5	2	-
Элликқалъа	4	-	-

[1)] *қайта ташкил этилганлар билан*